

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 205 (2238)

14

ОКтябрь
ЯҚШАНБА
1962 ЙИЛ

БАҲОСИ
2 ТИЯНИ

Яшасин ер юзида барча халқлар
учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик,
Тенглик, Ҳардошлик ва Бахт-
саодатни барқарор қилувчи
коммунизм!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг

Ч А Қ И Р И Қ Л А Р И

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги!
2. Инсоният тарихида янги давр — капитализмнинг емирилиши ва коммунизмнинг қарор топиши даврини очган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!
3. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини, коммунистик жамият қуришининг улуғ программасини амалга оширишга қаратингиз!
Коммунизм ғалабаси сари, олға!
4. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг зафарли байроғи, бутун дунё меҳнаткашларининг қудратли ғоявий қуроли бўлган марксизм-ленинизм!
5. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
6. Ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди — қардош коммунистик ва ишчи партияларга оташин салом!
7. Яшасин бутун дунё коммунистлари улуғ армиясининг марксча-ленинча бузилмас бирлиги ва жипслиги!
8. Пролетар интернационализи байроғини янада баланд кўтарайлик!
9. Барча мамлакатлар ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашдаги ҳаракат бирлиги мустаҳкамлансин!
10. Реакция қурбонларига, капитал тутқунларига озодлик берилсин!
11. Жаҳон халқлари! Шармандали мустақиллик қўлиги системасини батамом ва узил-кесил тугатиш учун курашингиз!
12. Ҳамма мамлакатларнинг халқлари! Хушёр бўлингиз, уруш оловини ёқувчи империалистларни фош қилингиз! Мустақкам ва бузилмас тинчликни таъминлаш учун активроқ курашингиз!
13. Ҳамма мамлакатларнинг халқлари! Еппасига ва батамом курашсангиз учун кескин курашингиз!
14. Ҳамма мамлакатларнинг халқлари! Германия сулҳ шартномасини тузиниши ва Фарбий Берлини демилитаризация қилинган эркин шаҳарга айлантиришни талаб қилингиз!
15. Яшасин халқаро ишчилар синфининг фарзанди, социализм ва коммунизм йўлидан бораётган озод, суверен халқларнинг қудратли ҳам-дўстлиги — жаҳон социалистик системаси!
16. Социализм кураётган Хитой Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин Совет Иттифоқи ва Хитой улуғ халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!
17. Социализм кураётган Албания Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва албан халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!
18. Социализм кураётган Болгария Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва болгар халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!
19. Социализм кураётган Венгрия Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва венгер халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!
20. Социализм кураётган, ўз мамлакатини демократик негизда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва вьетнам халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!
21. Социализм кураётган Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва герман халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!
Яшасин Германия Демократик Республикаси!
22. Социализм кураётган, ўз мамлакатини демократик негизда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва корея халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!
23. Социализм кураётган Монғолия Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва монғол халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!
24. Социализм кураётган Польша Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва поляк халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!
25. Социализм кураётган Руминия Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва румин халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!
26. Социализм кураётган Чехословакия Социалистик Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Яшасин совет ва чехословак халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!
27. Социализм кураётган, ўз ватанининг озодлигини ва мустақиллигини Америка империалистларининг агрессив ҳамла-ларидан фидокорона ҳимоя қилаётган Кубаниннг қаҳрамон халқига қардошлик салом!
Совет ва Куба халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги ривожлансин ва мустаҳкамлансин!
28. Югославия Федератив Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик салом! Совет ва югослав халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги тинчлик ва социализм учун кураш манфаатлари йўлида ривожлансин ва мустаҳкамлансин!
29. Улуғ ҳинд халқига қизгин салом! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги ривожлансин ва мустаҳкамлансин!
30. Улуғ индонез халқига қизгин салом! Совет Иттифоқи ва Индонезия халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги ривожлансин ва мустаҳкамлансин!
31. Бетараф, мустақил ва демократик Лаосни вужудга келтириш йўлига тушиб олган Лаос халқига қизгин салом!
32. Тинчлик ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Бирма, Цейлон, Камбоджа халқларига қизгин салом!
33. Афғон халқига қизгин салом! Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстона, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлансин!
34. Ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун фидокорона курашаётган Яман Араб Республикасининг халқига қизгин салом!

35. Мустамакчиликни батамом тугатиш ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган араб мамлакатлари халқларига қизгин салом!
36. Жазаирнинг мард халқига қизгин салом! Совет Иттифоқи ва Жазаир Халқ Демократик Республикасининг халқларининг дўстлиги ривожлансин ва мустаҳкамлансин!
37. Ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидокорона курашаётган озод Африка давлатларининг халқларига қизгин салом!
38. Конго давлатининг мустақиллиги ва бирлиги учун курашаётган Конго халқига қизгин салом!
39. Империализмга қарши, Ўз мамлакатларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Латин Америкасининг халқларига қизгин салом!
40. Яшасин Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг бутун дунёда мустақкам тинчлик манфаатлари йўлидаги дўстлиги ва ҳамкорлиги!
41. Милитаризмга ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган Германия Федератив Республикасининг меҳнаткашларига ва барча прогрессив кучларига қизгин салом!
42. Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!
43. Яшасин Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикасининг халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги!
44. Совет халқи билан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!
45. Яшасин Совет Иттифоқи ва Австрия халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги!
46. Ўз ерриториясидаги Америка ҳарбий базаларига қарши, тинчлик ва қўшни давлатлар билан дўстлик учун курашаётган япон халқига қизгин салом!
47. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати!
48. Яшасин ғалабалар билан шуҳрат қозонган шавкатли Совет Қуроли Кучлари!
49. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятларга эришингиз, ҳар қандай агрессорни тор-мор келтиришга ҳамisha тайёр бўлиб турингиз!
50. Яшасин мамлакатининг ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи!
51. СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва қардошларча дўстлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!
52. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун куч коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга қаратилсин!
53. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қўлоқ ёйдирайлик! Етти йиллик тўртинчи йилнинг планини муддатидан олдин бажарайлик!
54. Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорларига, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!
55. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатимиз қудратини ва халқ фаровонлигини янада ўстиришнинг негизи бўлган социалистик мулкни бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз!
56. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунизм қурувчиларининг ишламаган тишламайди, деган принципини оғишмай амалга ошириш учун курашингиз!
57. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини зўр бериб оширингиз! Меҳнат ва моддий ресурсларни энг кам сарфлаган ҳолда маҳсулотнинг тобора кўп ишлаб чиқарилиши ва сифатининг яхшиланиши учун курашингиз!
58. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Комплекс механизацияни ва автоматлаштиришни амалга оширингиз, фан, техника муваффақиятларини ва илғорларнинг тажрибаларини ишлаб чиқаришга дадил жорий қилингиз!
59. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Давлат маблағларининг тежаб сарфлашига эришингиз! Хўжасизликка, ортиқча сарфларга ва исрофгарчиликка қарши курашингиз!
60. Саноат, қишлоқ хўжалик, қурилиш ва транспорт ходимлари! Капитал маблағлардан энг оқилона ва тежамли фойдаланиш учун курашингиз! Ресурсларни ишга тушириладиган энг муҳим қурилишларга тўплаб ишлатингиз!
61. Совет металлурглари ва кончилари! Руда қазиб чиқаришни, чўян, пўлат, прокат, трубалар, рангли ва нодир металллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!
62. Совет энергетиклари, электростанциялар ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Электр энергияни илдам сурь-атлар билан ишлаб чиқаришни таъминлангиз, энергетика системаларини қуриш ва уларни ишлатиш қимматини камайтирингиз!
63. Машинасозлик ва асбобсозлик ходимлари! Халқ хўжалигини техника билан қайта қурулантириш учун зўр бериб курашингиз! Энг янги машиналар ва асбоблар ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштирингиз!
64. Нефть ва газ саноати ходимлари! Мамлакатга кўпроқ нефть ва газ берайлик!
65. Совет геологлари! Ватанимизнинг битмас-туганмас бойликларини тезроқ қидириб топингиз!
66. Кўмир саноати ходимлари! Қончилик техникасидан энг кўп фойдаланиш учун курашингиз! Кўмир таннархини камайтирингиз ва сифатини яхшиланигиз!
67. Химия саноати ходимлари! Янги қувватларни тезроқ ишга туширингиз ва ўзлаштирингиз! Яхши сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, минерал ўғитларни кўпроқ ишлаб чиқарингиз!
68. Совет бинокорлари! Қурилиш ишларининг сурьатини оширингиз ва сифатини яхшиланигиз! Шинам, кўркам ва тежамли бинолар ва иншоотлар қурилингиз!
69. Бинокорлик материаллари саноати ходимлари! Қурилиш индустриясини ривожлантирингиз! Цемент, янги бинокорлик материаллари ва йиғма конструкциялар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

70. Урмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноати ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғозни кўпроқ берайлик!
71. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ходимлари! Товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, уларнинг хилларини кенгайтирингиз, сифатини яхшиланигиз!
72. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни кўпайтирингиз, балиқ маҳсулотларининг сифатини яхшиланигиз ва таннархини камайтирингиз!
73. Совет транспорти ходимлари! Транспортни такомиллаштирингиз ва замонавий техника воситалари билан қурулантирингиз! Юкларни етказиб бериш муддатларини қисқартирингиз, пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшиланигиз!
74. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшиланигиз!
75. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Ғалакорлик шарафини қадрлангиз! Ўзининг фидокорона меҳнатингиз билан жамоат хўжалигини мустаҳкамлангиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирингиз!
76. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш планларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажарган қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига шон-шарафлар бўлсин!
77. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Янгица бошқарув системасининг афзалликларидан тўла фойдаланингиз! Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш учун зўр бериб курашингиз!
78. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз! Гўшт, сўт, сариёғ, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтирингиз!
79. Колхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ механизаторлари! Механизацияни, фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини янада дадилроқ жорий қилингиз! Механизмларни бошқаришни зўр бериб ўрганингиз, техникани эҳтиёт қилингиз ва ундан яхши фойдаланингиз!
80. Колхозчилар! Колхоз демократиясини ривожлантирингиз! Колхоз — деҳқонлар учун коммунизм мактабидир!
81. Қўриқ ерлардаги меҳнаткашлар! Деҳқончилик маданиятини ошириш учун курашингиз! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз!
82. Савдо, умумий овқатланиш ва коммунал-маиший хўжалик ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишининг юксак маданияти учун курашингиз!
83. Совет муассасаларининг ходимлари! Омма орасида ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни кучайтирингиз! Бюрократизмни бутунлай тугатингиз, меҳнаткашларининг эҳтиёжлари ва талабларига сезгирлик билан қарангиз!
84. Фан ва олий ўқув юрталарининг ходимлари! Фаннинг янада раванг учун, техникани тараққий эттириш учун курашингиз, коммунизм даврига муносиб мутахассислар тайёрлангиз!
Илғор совет фанига шон-шарафлар!
85. Ажойиб космик кемаларни яратган совет олимларига, конструкторларига, инженерларига, техникларига ва ишчиларига шон-шарафлар!
Шавкатли совет космонавтларига шон-шарафлар!
86. Адабиёт ва санъат арбоблари! Асарларининг юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорат учун, адабиёт ва санъатнинг халқ турмуши билан чамбарас боғланиши учун курашингиз!
87. Матбуот, радио ва телевидение, нашриётлар ва маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари! Партиянинг коммунизм тантанаси учун курашида жанговар ёрдамчилари бўлингиз!
88. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини яхшиланигиз, уларни меҳнатсеварлик, коллективизм, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз!
89. Медицина ходимлари! Даволаш ва санитария муассасаларининг ишини яхшиланигиз! Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини амалда жорий қилингиз!
90. Яшасин бизнинг умумхалқ социалистик давлатимиз!
91. Совет социалистик демократияси ривожлансин ва мустаҳкамлансин!
92. Совет касаба союзлари! Коммунизм қуриш учун курашда ишчилар синфининг ва интеллигенциянинг активлигини ривожлантирингиз! Меҳнаткашларининг коммунистик онглигини ошириш, уларнинг фаровонлигини ва маданий савиясини янада юксалтириш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилингиз!
Яшасин коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!
93. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлган совет хотин-қизлари!
94. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви бўлган Ленин комсомоли!
95. Йигитлар ва қизлар! Коммунистларча яшаш ва ишлашни қўнт билан ўрганингиз!
Яшасин шонли совет ёшлари!
96. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Билимларни қўнт билан эгаллангиз, меҳнатни севингиз ва ҳурмат қилингиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрлангиз!
97. Коммунистлар ва комсомоллар! СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!
98. Коммунизмнинг шавкатли қурувчиси, ер юзида тинчлик ва ҳамма халқларнинг бахт-саодати учун мардонавор курашчи улуғ совет халқига шон-шарафлар!
99. Яшасин партия билан халқнинг бузилмас улуғ бирлиги!
100. Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!
101. Яшасин бизнинг жонон Совет ҳукуматимиз!
102. Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!
103. Яшасин ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

Совет Иттифоқи Коммунистик
партияси Марказий Комитети.



ОБЛАСТИМИЗДА

250 МИЛТ ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!



МЕХАНИЗАТОР ҚИЗГА

Қош устидан пешонабоғинг,
Тонг зарридан товланар, алвон.
Оқ денгизга йўл олган чоғинг,
Юзларингда кўрдим ҳаяжон.
Ҳар толада ҳаёт жилваси,
Ҳар чаноқда кўш пораси,
Ҳар чигити — ҳар бир меваси
Менман дерди кўзинг қораси.
Шунданми, сен руҳ тутиб
чаққон,
Эгатларга оқдинг нур бўлиб,
Бункерларга сен яратган кон
Оқар эди тоғ тоғ дур бўлиб,
Самон йўли — ҳар битта эгат,
Машинанинг дердим унда ой,

Сузар эди равон, забаржад,
Ой чиққанда кўк олар чирой.
Гузал эди сен-ла, пахтазор,
Сарин еллар қуйлаб, аллалар,
Табиатнинг кўрқиди виқор,
Олтин рангда қирудалалар.
Насибангин қолдирмай ерда,
Терар эдинг дам олмай тонгда,
Оқ олтиннинг қайнаб бункерда
Товланади худди нур рангда,
Сузар эдинг сен ҳамон-ҳамон.
Кўзларингда эрирди уфқ,
Тинмай олга йўрғалаб, чаққон
Борар эди сен минган тўрқи,
Бутун дала кўз-кўлоқ бўлиб,

Сени кутиб, кутларди шу дам,
Қалбинг эса шодликка тўлиб,
Янги қудрат туяр яна ҳам.
Дердинг, ерда қолмасин, олтин,
Дердинг, ютар ким борса олдин,
Дердинг, шонил, куз маҳтал
бизга,
Дердинг, ҳисса кўш оқ
денгизга.
Шунинг учун билмайсан ором,
Сен-ла кўркам колхоз даласи,
Меҳнатингдан дилларда ялҳом,
Шарафлисан, қизлар сараси.

НАЗАРМАТ.

ЯНА 420 ТОННА УЧУН

Колхозимиз аъзолари йиғим-теримчи уюшқонлик билан ўтказиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги байрамини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашиб, катта меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Давлатга пахта сотиш плани муддатидан илгари 101,3 процент бажарилди. Биз мамлакатга пландаги 2250 тонна ўрнига 2280 тонна пахта етказиб бердик. Бошқача қилиб айтганда колхозимиз бўйича 720 гектар ернинг ҳар гектаридан 31,5 центнердан ҳосил олинди.

Айрим бригадаларимиз эришган ютуқлар ҳар ҳақонгидан ҳам юқори бўлди. Жумладан ўртоқ Ким Де Гир бошлиқ бригада аъзолари 104 гектар ернинг ҳар гектаридан 35,1 центнердан ҳосил олдilar. Шунингдек Шин Александр бошлиқ бригада пахтакорлари ҳам юқори ҳосил етиштирдилар.

Терилган пахталари пешмапеш пахта пунктларига етказиб бериб туришда С. Туронов, О. Устапериёв, Ким Николай ўртоқлар кўпчиликлари намуна бўлдilar. Колхозда пахта билан бирга бошқа қишлоқ ўқувчилари экинларидан ҳам кўл ҳосил олинди. Ўртоқ Ни Александр бошлиқ жўхоркор бригадга ҳар гектар ердан 1470 центнердан, Аристон Олтоев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси жўхоркорлари эса 1550 центнердан кўпоси йиғиб олдilar.



Ўртоқ Д. А. КИМ

Шунингдек Шин Александр бошлиқ бригада пахтакорлари ҳам юқори ҳосил етиштирдилар. Шунингдек Шин Александр бошлиқ бригада пахтакорлари ҳам юқори ҳосил етиштирдилар.

Умумхалқ курашидан қарияларимиз ҳам четда қолмади. Улар шу дозарб кунларда, биз кўл қувштириб қараб турсан, арайшмай деб пахтазорга чиқибди. Ҳолиқудрат меҳнат қилиб, оғиримизни анча енгил қилдилар. Пенсиядер Соҳиб ота Ҳолжонов, шунингдек Тўйгулхона Қоримирзаева ўртоқлар шулар жумласидандир.

Лубкор бригадалар орасида ўртоқ Николай Иванович Ким бригадаси донг таратди. Бу бригадада ҳар гектар ердан 203 центнердан, ўртоқ Цой Владимир бригадаси эса 201 центнердан кўпоси йиғиб олинди.

Колхозда давлатга галла, қовунтарвуз, жун сотиш планлари ҳамда дағал ем-хашак тайёрлаш планлари ҳам муваффақиятли бажарилди.

Биз ютуқларни мустаҳкамлаш учун теримчи сира ҳам сусайтирсдан давом эттирмақдамиз. Бор ҳосилни чамалаб кўриб, давлатга планга қўшимча равнишда яна 420 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдик. Шунда гектаридан олинган ҳосилдорлик 37 центнерга етди. Биз, албатта, ўз сўзимизнинг устидан чиқамиз.

Шу кунларда теримчи давом эттириш билан бирга шугорлаштириш ҳам кучайтириб юбордик. Бу ишни 20 ноябргача тугаллашимиз. Чорва қишлоқда ҳам пухта тайёрларлик қилимоқдамиз.

Д. А. КИМ,
Юқори Чирчиқ районидagi Свердлов номидаги колхознинг раиси.

БЎЛИМ ПЛАНИ БАЖАРДИ

ЯНГИЕР. «Фарход» совхозининг пахта йиғим-теримчи районининг илгори кўпчиликлари сафида бормоқда. Сентябрнинг охиридаёқ совхознинг бир неча бригадаси пахта тайёрлаш планини бажарган эди. Кечанин 1250 гектар ерда пахта экан 5-бўлимдан хушхабар келди. Бу бўлим пахтакорлари 1961 йилда янги ўзлаштирилган ерларга биринчи марта чигит экиб катта муваффақиятларини қўлга киритган эдилар. Дехқончиликнинг иккинчи йилида ҳам ажойиб нати-

жаларга эришилди. Шу кунгача пландаги 1165 ўрнига 1300 тоннага яқин пахта тайёрланди. Ўрш Алнев, Курбон Худойназаров, Яхё Эмратов, Ўсган Ирсольев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳозирдаёқ йиллик планларини 120—150 процентдан бажардилар. Бўлим коллективини байрамолди социалистик мусобақасига қўшилиб пландан ташқари яна 600 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олди. С. СУЛТОНОВ.

БОҒ ВА ЎРМОНЗОРЛАР—ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ РЕЗЕРВИ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1962 йил кунда «Боғлар барпо этиш ва дарахт ўтказиш ойлари»ни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Қарорда таъкидлангани, боғлар, тоқзорлар, тўздорлар ва ёнғоқзорларни янада кенгайтириш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик экинларини гармселлардан, сел оқимларидан ва қум босишдан химоя қиладиган ўрмон, боғ ва бошқа дарахтзорларнинг катта-катта массивларини барпо этиш ҳосилдорлигини оширишга ҳамда республикадаги ҳар бир колхоз ва совхознинг янги йилларда гектар бошига камда 25 центнердан пахта олинига анча даражада ердэм беради.

Қўйон гуруҳи районлари ва Мирзачўлнинг колхоз ва совхозларида пахтазорларини зарарли шомоллардан химоя қилишда, республиканинг тоғли ва тоғ этакларидаги ёнғоқзорларни намин саклаш ҳамда туپроқнинг сув ювиб ва ўйиб кетиши олдини олишда дарахтзорларнинг қандайдир роль ўйнагани ҳаммага маълум. Ўзбекистон халқларининг қўлдан бўён ўз ерини боғлар, тоқзорлар, тўздорлар ва ўрмонзорлар билан ўз турмушларини аса мена, узум ва ёнғоқлар билан зийнатлаётганлиги бежиз эмас, дейилади қарорда.

Етти йилликнинг уч йилида Ўзбекистонда 56,5 миң гектар боғ ва тоқзорлар барпо этилди, ёлғиз 1961 йилнинг ўзида 844 миң туп ўрмон дарахтлари ўтказилди. Йил сайин кўпаймади ва кўзга дарахт ўтказиш ойларидаги ўтказиш республикада традиция бўлиб қолди. Ўзбекистон меҳнат-ашалари республика учун муҳим бўлган бу тадбирни амалга оширишда зўр иштирок билан актив қатнашмоқдалар. Бу йил республикада табиати қўриқлаш ва кўпаламзорлаштириш жамияти тўзилиди. Бу жамият Ўзбекистоннинг табиий бойликларини кўпайтириш кенг оқимларига ишга аҳолининг кенг қатнашларини жалб этиш керак.

Ўзбекистон Табиати қўриқлаш ва кўпаламзорлаштириш республика жамияти кенгашининг президиумига жамият аъзоларининг «Боғлар барпо этиш ва дарахт ўтказиш ойлари»да актив қатнашларини таъминлаш топширилди. Ўзбекистон ЛКСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон касаба союзлари советига «Боғлар барпо этиш ва дарахт ўтказиш ойлари»ни ўтказишда комсомол, касаба союз ва пионер ташкилотларининг актив қатнашларини таъминлаш тақлиф қилинди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоошиштириш ва Телевизион Давлат комитетига «Боғлар барпо этиш ва дарахт ўтказиш ойлари»нинг борлигини мунтазам суратда ёритиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика колхозчиларини, совхоз ишчиларини ва кизматчиларини барча меҳнатқилларини шу йил кунда ўтказиладиган «Боғлар барпо этиш ва дарахт ўтказиш ойлари»нда актив қатнашишга ҳамда шаҳарларини, ишчи посёлаларини, аҳоли яшайдиган пунктларини, канал ва йўللарини кўпаламзорлаштириш ишига муносиб ҳиссаларини қўшишга чақирдилар.

Ўрта Чирчиқ районидagi «Полярная звезда» колхозида машина терими намунали ўтмоқда. Пешқадим механик-ҳайдовчилардан Бўри Шораҳмедов ва Ким Хин Нен ўртоқларнинг ҳар бири кунига 5—6 тоннадан пахта термоқда. Уларнинг бу йилги аҳдлари хирмонга камда 100 тоннадан пахта тўғишдир. Суратда: (чапдан) Ким Хин Нен ва Бўри Шораҳмедов ўртоқлар.

Н. Глауберзон фотолари.

Қанча ПАХТА тайёрланди 13 ОКТЯБРГАЧА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Ишлаб чиқариш бошқармалари	Бир кунда		Машина терими		Кўп-қатор-сиз ташкили
	Мавсум бошидан берги	Мавсум бошидан берги	Бир кунда	Мавсум бошидан берги	
Тошкент	1,19	73,93	1,45	53,35	101,2
Янгийўл	0,78	67,46	1,75	63,21	77,9
Чирчиқ	0,31	52,48	0,49	36,68	64,4
Янгийер	0,48	42,86	0,51	30,71	52,4
Сирдарё	0,42	34,76	0,82	28,62	45,7
РАЙОНЛАР					
Қуйи Чирчиқ	1,88	86,53	2,99	126,65	88,6
Юқори Чирчиқ	0,35	77,13	1,01	57,17	68,0
Оржоникидзе	1,06	70,90	1,45	53,35	98,8
Чиноз	0,73	66,85	1,26	38,91	86,2
Ўрта Чирчиқ	0,36	62,08	1,02	60,25	73,0
Янгийўл	0,59	58,07	1,38	41,03	71,4
Пискент	0,45	54,69	0,45	32,60	64,80
Бўка	0,25	50,54	0,32	29,40	71,18
Бекобод	0,26	43,86	0,26	22,75	51,3
Янгийер	0,66	42,00	0,70	36,61	53,4
Оққўрғон	0,22	41,62	0,19	23,37	50,1
Сирдарё	0,59	39,78	1,59	40,69	52,9
Комсомол	0,21	35,21	0,17	20,40	46,5
Гулистон	0,37	25,05	0,37	18,42	30,9
ОБЛАСТЬ БЎНИЧА	0,50	49,90	0,78	37,25	61,3

Агар сиз районларда пахта теримининг борлиги тўғрисидаги маълумотга назар ташласангиз, Бўка районининг кунига икки процентдан ошириб пахта топшираётганини кўриб хурсанд бўласиз. Албатта, бир кунда 784 тонна пахта териб топшириш осон га эмас. Бу факт районда ҳозир пахта теримига қатнашаётган кишиларнинг астойдил ва фидокорона меҳнат қилаётганлигини кўрсатади.

Бу ишда «Ленинизм», «Октябрь 40 йиллиги», Илчю номли, Жамбул номи, Карл Маркс номи, «Ленин йўли» колхозларининг ҳиссаи катта. «Ленинизм» колхозининг пахта терими бўлган район кўчма Қизил байронини маҳкам тутиб олди қараб бормоқдалар. Кейинги вақтларда Илчю номи колхозда терим суръати жадаллашиб кетди. Район даражасидан олдинда бораётган 7 хўжалик ҳар кун бир-бирдан ўтишга интиломоқда.

Бизда колхозчилар, ердამчиларига эмас, пахта терим машиналари ҳам унумли ишлаб туринди. Колхозимиздаги 5 та ХВС-1,2 битта СХМ-48М машинаси билан ўрта ҳисобда 1700-1800 килограмм пахта терилди. Механик-ҳайдовчиларимиздан Қаҳқор Мўминов 10 кунда 36 тонна, Янгийўл Бекназаров 27 тонна пахта тердилар, — дейди, «Ленинизм» колхозининг раиси ўртоқ Гаффор Азаматов.

Пахта теримига, пахтаги қуриш пунктга жўнатилган, машина билан пахта теришда, пахта ташинишда жонбозлик билан ишлаётган ажойиб меҳнатсевар кишиларнинг аниқ номларини фахр билан тилга олса арзийди. Улар ўз колхозларининг, ўз районларининг

шухратини ошириш, пахтакорлик шарафини кўтариш учун ҳормай-томай меҳнат қилмоқдалар. Уларга ҳар қанча офарин ўқисангиз ҳам ос.

Ленин бу фактларга қараб, Бўка райониди ҳамма иш жойида деган хулосани чиқариб бўлмайди. Районда пахта теримини қўзғирга даразадан анча кўтаришга ердэм бераётган имкониятлардан фойдаланилмаётир.

Терим бошланган вақтда, коммунистлар, район активлари оёқда туриб ишга яроқли кишиларни сафарбар қилишда анча иш қилдилар. Бу активларга район партия комитети бошчилик қилди. Шунинг учун барча колхоз ва совхозларда 4600 киши бевосита пахта териб бошлаган эди. Афсуски, бу яхши ҳаракат кейинги вақтларда сусайиб қолди. Шаҳардан ердამчилар келиши биланқо, бу яхши ишни район раҳбарлари ҳам, колхоз, совхоз раҳбарлари ҳам унутиб юбордилар. Колхозчиларини теримга қатнаштириш тўғрисида ҳеч ким дуруст бosh қотирмайдиган бўлиб қолди.

Районда график бўйича белгиланган теримчилар уқда турсин, илгари пахта териб юрган кишиларнинг сони ҳам анча камайиб кетди.

«Ленин йўли» колхозида даст-талаб 700 га яқин киши пахта териб турган эди, аммо ердამчилар келгандан кейин бу теримчилар сони 450 кишига ҳам етмайдиган бўлиб қолди.

Тўғри, «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм» колхозларида, «Кў-

орол» совхозида илгаригига нисбатан теримчилар сони бир оз оширди. Бироқ қолган ҳамма хўжаликларда ердამчилар паноҳида кўпгина кишилар ўз шахсий ишлари билан овора бўлиб юриптилар.

Бизга бозор қаттиқ ҳалақит бераптики, — деди «Ленин йўли» колхозининг агрономи Эгам Алимов. «Бозор бўлмаган кунларича» деб сўрасангиз Алимов дарров «колхозчиликда» дейди. Колхоз раиси ўртоқ Маҳкам Иброҳимов ҳақ гапни айтди.

Ердამчилар билан овора бўлиб кетиб, ўз одамларимизни унутиб қўяёзди.

Ленин номи колхозда ҳам илгари ишлаб юрган теримчилар ҳозир кўринмай қолди. Бу колхоз раҳбарлари ҳам ўз одамларини унутиб қўяёзди.

Чирчиқ территориал ишлаб чиқариш бошқармасининг комсомол ишлари бўйича инструктори ўртоқ

раҳбарлари ҳам ўз одамларини унутиб қўйганлар. Бунга бир томондан колхозда тақсирли ишлар бўлиши кетгани сабаб бўлса, иккинчи томондан колхознинг еридан, сувидан керагидан ортиқ фойдаланган ҳолда ишга бўйин ёр берайдиган ноинсоф кишиларнинг ўзи ҳам сабаб бўлаптики.

Масалан, Хамид Қаҳқоровнинг 12,5 сотих томорқаси, 9 сотих ерда сабзавот — картошкани бор. У район милиция бўлимида шофер бўлиб ишлайди. Ленин у «амалидан» фойдаланиб оиласиди ишга яроқли кишиларни теримга чиқаришдан бўйинтовлади.

Чирчиқ территориал ишлаб чиқариш бошқармасининг комсомол ишлари бўйича инструктори ўртоқ

Чирчиқ территориал ишлаб чиқариш бошқармасининг комсомол ишлари бўйича инструктори ўртоқ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 14 ОКТЯБРЬ, 1962 ИЛ.



БОЗОРЧИ ДАНГАСАЛАР — Урғиниз билимайдиган бўлиб, бахтимизга жонимизга аро кириб ердამчилар келишати. М. Воробейчиков чизган расм.

Б. КАЛИЛОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

ОБЛАСТИМИЗ ЛУБКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Областимиз бўйича давлатга 215 минг 332 тонна „кўк олтин“ етказиб берилди ва план 100,2 процент бажарилди. Қуйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районларининг лубкорлари улуг Октябрнинг 45 йиллиги шарафига зиммага олинган социалистик мажбуриятни ҳам тез кун ичида бажариш учун астойдил курашмоқдалар.



Уртоқ А. ЖУМАНОВА, Қуйи Чирчиқ районидagi «Ленинград» колхозининг аъзоси.



Уртоқ Пак ГРИГОРИНИ, Қуйи Чирчиқ районидagi «Ленинград» колхозининг бригад бошлиғи.



Уртоқ Т. НАЗАРОВ, Юқори Чирчиқ районидagi «Узбекистон» колхозининг сувчис.

Юқори Чирчиқ районидagi «Узбекистон» колхозининг лубкорлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Колхозда давлатга каноп поёси сотиш йиллик плани билан адо этилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ан Вон-Сун бошлиқ бригададан каноп поёси олинди. Суратда: колхоз даласида каноп ҳосиллини ўриб-йигиб олиш пайти. В. Кожеников фотоси, (УзТАГ фотохроникаси).

ЛУБКОР ТУРСУНОЙ

Ишчиларнинг қўли-қўлига тегадими. Далада меҳнат қайнамоқда. Бир неча киши уруғлик каноп болларини аравага ортапти. Яна бир нечаси уруғ иччиларнинг «МК-6» агрегатини юриштирмоқда. Турсуной ҳамма боп-қоп. Хали агрегатлар енида қўрсангиз, аун ўтгач, аравақашларга қўмақлашаётганда учратасиз. — Бойни айтган қизимиз шу бўлади, — дейди совхоз директори ўртоқ Вали Воҳидович Азиев, — жуда ажайиб сергайрат қиз. Биз бригада ишчилари билан саломлашгач, Турсуной ишлаётган ерга бордик. Ундан бригада ишлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилган эдик, у қисқина жаваб берди. — Эл қатори ишладик. Агротехника қондаларига тўла амал қилиб, парварини кўн-гилдайдигай ўтказдик. Ишчиларимиз жуда меҳнатсевар ишчилар. Ҳар бири виждон билан ишлайди. ... Илгари Турсуной болалар бочасида тарбиячилик қиларди. Лекин, нимагадир ўз ишдан кўнгли тўлмас, юраги гаш бўлиб юрарди... «Нахотки, менин ўрним шу ерда бўлса, — дейди ўйларидан баъзан у. — Ахир ҳали еш бўлсам, далада ишлашга кучим етса-ю...»

Ана шундай ўйлар билан ўтган йилнинг эрта кўкламиди қиз совхоз идораси томон йўл олди Раҳбарлар билан маслаҳатлашга қарор қилди. Идорадагилар қизнинг фикрини маъқуллашди. Уни биринчи бўлимдаги қоқоқ бир бригадига бошлиқ қилиб тайинлашди. — Сира иккиламма, — деди Вали Воҳидович, — сенга қўмақлашамиз. Ахир ўзинг ўйла. Шу бригадани сизларга ўхшаган ёшлар кўтармаса, ким оёққа тургазлади. Директор жуда тўғри гапни айтди. Ниҳоят Турсуной кўлиди. Унга 85 гектар ер берилганди. Бригада комсомол-ёшлар бригадасига айлантирилди. Азамат ишчилар экишга пухта ҳозирлик кўрдилар. Парварини юқори агротехника талаблари асосида ўтказилди. Фидокорона қилинган меҳнат зое кетмади. Луб учун экилган 42 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 80 ўринга 100 центнердан кўк каноппоёси олинди. Бу муваффақиятдан гоил руҳланган бригада аъзолари ишга бу йил янада гайрат билан киришдилар. Экин майдони 100 гектарга етказилди. Шундан 35 гектарига уруғлик каноп уруғи экилди. Бу майдондаги ўсимликлар механиклар ёрдамида икки томонлама парварин қилинди. Натияжада ҳосил таннархи ўтган йилдагига нисбатан анча арзонлашди. Мухими, олинган уруғ кўнайди. Плана кўра ҳар гектар ердан 3 центнердан каноп уруғи олиниши керак эди. Ҳозир бу рақам 5—6 центнерни ташкил этапти. — Луб етиштиришда ҳам юксалишга эришдик, — дейди Турсуной Қуролбоева. — Ҳар гектар ердан 126 центнердан каноп поёси олдик. Бригада лубкорлари шу кунларда 1963 йил ҳосилига ҳам замин яратмоқдалар. Экинлардан бўшган майдонлар пешмапеш шудорланапти. — Келгуси йилда гектаридан 180 центнердан кўк поё етиштирамиз! — Меҳнатсевар ишчилар ана шундай демоқдалар. Уларнинг лабзи ҳалол, сўзларининг устидан албатта чиқадилар.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ, Қуйи Чирчиқ, «Коммунизм» совхоз.



ҚОЛОҚЛИКДАН ЧИҚДИК

Ҳатто ўтган йилгача колхозимиз райондаги қоқоқ қишлоқ хўжалик артелларидан бири ҳисобланарди. Канопдан етиштирилган ҳосил гектар бошига аўрға 50—60 центнерни ташкил қиларди. Бундай ҳосил олиб, хўжаликнинг қаддини ростлаш қийинлиги ҳаммага маълум албатта. Биз қоқоқликдан чиқиш йўллариини қидириб, ички резервларни тўла ишга солишга қарор қилдик. Бу йил кўклам деҳқонларимиз учун анча ташвишли бўлди. Анчагина майдонларда канопни қайта экишга тўғри келди. Бироқ, меҳнатсевар колхозчиларимиз қийинчиликлар олдидан руҳан тушганлари йўқ. Юз берган барча гоғовларни мардона кўраш билан енгилар. Натияжа ёмон бўлмади. Ўтган йилги ҳар гектар майдондан 55 центнердан кўк поё олинган бўлса, бу йилги ҳосил ҳозирнинг у қайси участкада ишлашдан

Ҳақида 70 центнерни ташкил этди. Хали кўз текинизмаган далаларимиз бор. Барча ҳосилни топишграмимизда гектаридан намида 95—100 центнердан кўк поё олинган бўлади. Шу кунгача қабул пунктга топширган ҳосилимиз 5200 тоннага яқинлашди. Бу, ўтган йилнинг шу давригача топширилганидан 2160 тонна кўп. Ҳўш, бу йилги муваффақиятимизнинг босиси нимада? Даставвал биз колхозчиларимизнинг меҳнатга онгли муносабатда бўлишларига эришдик. Урғуларни тўла ишга солишга тага шундай шпор ташладик: «Колхозчи қоқоқликдан чиқаришга қўмақлашадиган ҳар бири кўк поё участкада ишлашдан

қатъий назар, ҳалол меҳнат қилсин». Ҳа, колхозчиларимиз бунга амал қилиб, эрта қўкламданок гайрат камарини маҳкам боғлашди. Ўсимлик қатор ораларига ишлов беришда механизаторнинг ҳам сувчининг ҳам қўйинчи ҳар бири колхозчининг масъулиятини оширинишга жиддий эътибор бердик. Колхозимизнинг ўртоқ Ли Сергей бошлиқ бригадаси лубкорлари бу йил мусобақада голиблиқни қўлда бермадилар. Азамат колхозчилар 170 гектар ерга каноп уруғи ташлаб, ҳозиргача йиллик планини 155 проценти миқдорда бажарилишини таъминлади. 140 гектардан олинган ҳосил 140 центнерни ташкил этди. Умумий каноп поёсининг 98 проценти фақат биринчи сорт билан қабул қилинди. Ўртоқ Асам Чандаулов бошлиқ бригаданинг кўрсаткичи ҳам ёмон эмас. Биз ўсимлик қатор ораларини ишлашда ҳам канопи ўриш-йигиб даврида ҳам механизаторнинг имконияти борича кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилдик. Бу ишда бизга механизаторларимиз ақлидан ердан беришди. Етиштирилган кўк ҳосилни заводга ташинида шиферларимизнинг хизмати беқисс бўлганилигини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Улар украинлини машҳур галларок Надежда Григорьевна Загладиннинг галларокли шарафини қадрлаш тўғрисидаги мақоласини ўриб чиқарч янада унумли меҳнат қилдилар. Илос Эсариев билан Амр Абдуллаев ўртоқлар транспортчилар орасида айниқса, катта хурматга сазовор бўдилар. Колхозчиларимизнинг хизмати чакни эмас. Улар Улуғ Октябр социалистик революциясининг 45 йиллиги шарафига социалистик мусобақани аяқ олдириб, пландан ташқари яна 1500 тонна каноп поёси етказиб беришга аҳд қилдилар.

Мустафо ТОЙЛОҚОВ, Қуйи Чирчиқ районидagi «Гулистон» колхозининг раиси.

СОВҒАМИЗ

Ҳар бир бригада, ҳар бир авено, ҳар бир колхозчи ўз ишига меҳр қўйиб меҳнат қилди. Канопни яхши тайёрлаган, ўзинга тўйидирган ерларга эдик. «Кўк олтин»ни парварини қилиш ҳам юқори агротехника савиясида ўтказилди. Ўз вақтида култивация қилдик, суғордик. Шу тўғрисида ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда кўчатни саклаб қолдик.

Каноп ўрнини даврида ишни сифатли ва тез бажариш учун ҳамма имкониятлардан фойдаландик. Каноп поёсини шилалаган ИП-9 машиналарни бир меърада ишлаб турдик. Даланинг ўзида поёси шилиниб, толарларга аиратилиб қуртилган маҳсулот заводга пешма-пеш жўнатилиб турдик. Колхозимиз аъзолари кун сайин суғуратга сурат қўшиб бордилар. Шу тўғрисида районда биринчилар қатори давлатга луб сотиш планини бажаришга муваффақ бўлганмиз. Ҳаммаси бўлиб, ҳозиргача мамлакатга 17 минг тоннага яқин «кўк олтин» совға қилдик.

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун янада астойдил ишлаш керак. Даламизда ҳосил ҳали кўп. Колхозчиларимиз октябрнинг шонли 45 йиллиги шарафига яна 3,6 минг тонна каноп топширишга аҳд қилганлар.

Каноп парварини сифатли ўтказиб, кўк ҳосил етиштирган ва уни ўриб йигишда жонбозлик кўрсатиб, юқори кўрсаткичларга эришган Ким Чун Ок синигар ўртоқлар бошлиқ бригадалар шу кўнларда ҳам суғуратга-суғурат қўшмоқдалар.

Биз 1141 гектар майдонда каноп етиштирганмиз. Ҳозирги кундаги асосий диққат-эътиборимиз ана шу ерлардан олинган ҳосилдорликни 194 центнерга етказишга қаратилган. Шу билан бирга уруғлик канопни ўриш ва уни яқин ишлаш ҳам кинитиб юборилди. Ҳар гектар ердан 85 центнердан уруғлик олинади.

Колхозимизда давлатга ишла, гўшт, жуло, дон, картошка, мева, узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш йиллик планлари ҳам шараф билан адо этилган. Чорва тўғрисида кўп етиштириш чоралари кўриб-қўрилди. Шу мақсадда 5,5 минг тонна силос бостирилди. Бугар майдонларини сифатли шудорлаб қўйиш юзасидан ҳам ишни бошлаб юборганмиз.

Г. ЮГАН, Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» колхозни партия комитетининг секретари.

АЧЧИҚНИ-АЧЧИҚ КЕСАР

Пахтани чала терадиган бир дангаса ҳақида. Ҳол танбал ўтган кунин, Ундан еб даққини, Қовоғидан ёғиб қор. Теринга чиди ноҳор. Чинтақдек чирт-чирт этиб, Ҳар эгатга бир ўтиб. Пахтани терган чоғда, Ярни қолди чаноқда. Ҳа минут ўтар-ўтмас, Ҳа-ҳанча, деди: Бас. — Шунча тердинг офарин; Дам олиб кам-кам тагин, Терасанда, яна Ҳол. Тушга ҳадди бемалол, «Хордиқ чиқар» деворди. Ембошлаб этиб олди. Кўл қўзиб хом қўсақка, Узди, ййнаб эрмақка. Толаларни чуватди. Зерикак четга отди. Бу сирдан воқиб бир чол, Деди: «Бу қандай ахвоф? Сен отган ўша қўсақ, Бир қисим олтин демек. Шунинг деб азаматлар, Ингит-қиз кеска марлар, Боқордан бери бардан, Тер тўкашти то шу дам. Сен эса колхоз ноини.

Мойга булаб тушириб, Салқинда силаб қорини, Ойлангин топангини, Ичкиликка бек юриб, Ҳар ерда саяқ юриб, Аталди номинг тамбал. Уя! Кўрпсанми, ҳу ана, Сени сингинг Зулфазар. Зангори кесамсини, Жавлонига қил назар. Ановон Тошматга тоя! «Зар» терар тонна-тонна. Колхозимизда даванг, Фақат сен, эсизгина! Ҳол танбал босиб тер, Ҳилолатдан ростлаб бел. Чурқ этмай этиб туриб, Жўякка тушди ақрутиб, Шундан бери у кунини, Меҳрини қўйиб бутун, Жадал билан теряпти, Пахтани тезу-тези, Ҳол танбал тузалибди! Ҳаммаёққа овоза, Тўғри сўз тиги-ништар. Аччиқни-аччиқ кесар.

Ж. АСОМИДИНОВ.

«Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғида қолабермайди»

Редакцияга келган хатларнинг бирида Сирдарё районидagi «Узбекистон» селъоси магазинларида ўтказилган ревизияда аниқланган баъзи растратлар ёпиғлиғида қилиб кетабери, деб ёзилган эди. Матлубот жамиятининг олабаста союзи хат юзасидан текшириш ўтказиб, редакцияга қуйдаги жавабни юборди. «Хатда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланди. «Узбекистон» селъоси магазинларида фох қилинган баъзи растратларга ён босилган ва уларга шу кунгача тегишли чора кўрилмаган, жиноятчилар селъо аппаратурада ишлаб келбаётганлар. Жумладан, Абдуғани Шарифов мудирилик қилаётган озиқ-овқат дўконига 2825 сўм етишимовчилик аниқланганига қарамай, селъо раҳбарлари уни фақат ишдан бўшатини дини кифолавиб қолганлар. Ревизия материаллари шу кунгача тергов органларига топширилмаган. Соёқ дўкон мудири Убайдуллаевдан дўконини бошқа кишига топширишда 704 сўм етишимовчилик чиққан. Уни ишчи уруғи яқин мудири Ямпольскийга 704 сўмлик қалбаки фактура ёзиб берган. Бу қалбаки иш яқин текширишмай Убайдуллаевнинг селъо складига мудири қилиб тайинланган. Соёқ дўкон мудири растратчи Аскар Каграмонов ҳам жинийон жавобгарликка тортиларган. Селъо бухгалтери Скачбудова

унинг растратини яширишга ёрдам берган. Унинг 263 сўм етишимовчилик пулини фақат 26 сўм 83 тишини етишмайди деб кўрсатган. Қолган пул яқин дўкон мудирига топширилган деб қалбаки ҳужжат тайёрланган. Каграмоновни эса селъо правленисеи экспедитор қилиб тайинлаган. Текшириш натикаси Сирдарё район матлубот жамиятининг кеңгайтирилган правленисеи йиғилишида муҳокама қилиниб қуйдагилар аниқ чоралар кўрилди. «Узбекистон» селъосининг мудири Абдуқодирова магазинлар устидан контроллини яқини ташкил қилмагани, ревизия натижалари билан чуқур танишмай камчиликка йўл қўйгани учун қаттиқ оқоқландирилди. Саудо бўлими мудири Сарибоевга виговор эълон қилинди. Склад мудири Убайдуллаев, экспедитор Каграмоновлар растрат қилиб, қўбўямачилик қилганиларни учун, селъо бухгалтери Скачбудова ва инвентарчи Шодмоновлар уларга ён босгани учун ишдан бўшатилди. Растратчиларни жинийон жавобгарликка тортиш учун материалларни теда тергов органларига топшириш селъо раисеи Абдуқодировга юклатилди. Матлубот жамияти олабаста союзи правленисеи раисини ўриббосари А. ПУЛАТОВ.

ХАЛҚ ТАЛАБИ

Калинин районидagi «Коммунизм» колхозни бир гурупа аъзоларининг Тошкентдан шу колхозга қатновчи пассажир машиналарининг ишдан норозилик билдириб ёзган хати текшириш ва чора кўриш учун шаҳар автотрестига юборилган эди. Трест бошқарувчисининг ўриббосари ўртоқ В. Киршенбергнинг редакцияга маълум қилишига хатда келтирилган ўзгаришлар ҳақида деб топилган. Автомашиналарнинг

техник жиҳатдан тузуқ бўлмагани сабабли автобуслар мунтазам қатнамай турган. Ҳозир парв дирекцияси бу маршрутда қатнаш учун энг қўлай машиналарни ажратган ва уларнинг графикка мувофиқ мунтазам қатнаб туришини таъминлаган. Автобусларда кира ҳақининг жадалли осиб қўйилган. Маршрутда жамоат контроллёрларининг навбатчилик қилиши йўлга қўйилган.

ГБЕНИЕ ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛДИ

ЛЕОПОЛЬДВИЛЬ, 12 октябр. (ТАСС). Конго миллий ҳаракат партияси раиси Лавониндига Патрис Лумумбанинг вориси Кристоф Гбение маҳаллий хавфсизлик ҳукумати томонидан қамоққа ташланган эди. У, қонунга хилоф равишда қамоққа олинганлигига қарши норозилик билдириб, очлик эълон қилди. Мамлакатдаги турли националистик партияларнинг вакиллари шу муносабат билан Конго парламентининг депутатлар палатаси ва сенат раисларига мактублар юбориб, бу мактубларда депутат Гбениенинг қамоққа олинганлигига қарши норозилик билдирадилар.

ГРЕЦИЯ ПОЛИЦИЯСИ ИШЧИЛАРГА ҚАРАБ УҚ ОТМОҚДА

АФИНА, 12 октябр. (ТАСС). Кеча забастовкачи бинкорлар тўлланган Афинанинг марказий кўчалари забастовкачилар билан полиция ўртасида қонли тўқнашувлар майдонига айланди. Забастовкачиларнинг ўз ҳуқуқларини қондириш ҳақидаги адолатли талабларига ҳукумат ўқ узиш ва қўлдан еш оқизадиган тааллар билан жаваб берди.

ЯМАНДА ҲАРБИЙ ХАРАКАТЛАР

ҚОҲИРА, 12 октябр. (ТАСС). Қуролли шайқалар Саудия-Яман чегараси орали Яман территориясига бостириб киришга кеча яна уруниб кўрдилар. Ушбу хабарни берган МЕН агентлиги таъкидлайдики, кўпчилик қисми Саудия-Йордания элементларидан иборат бўлган бу шайқалар Яман армиясининг қисми томонидан улоқтириб ташланди ва уларга катта талафот етказилди.

Сет Эларда нима ган

ЯМАН РЕВОЛЮЦИОН ҚУМОНДОЛИГИ КЕНГАШНИНГ МАЖЛИСИДА

ҚОҲИРА, 12 октябр. (ТАСС). Кеча Саиода баш министр Абдулла Ассалот раислиги остида Яман Араб Республикаси революцион қўмондонлиги кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда Яман Республикаси чегараларидаги ҳарбий ахвол муҳокама қилинди. МЕН агентлигининг кўрсаткишича, мажлисдан кейин баш министр ўриббосари Албайдан айтганча, кенгаш Яманга қарши ҳарбий интервенцияни туғатишга ҳамда шимолдан ва шарқдан Яман территориясига бостириб кирган қуролли шайқаларни бир ҳафта ичида яқсон қилишга қаратилган зарур тадбирларни белгиллади. Агентлик яна шуни кўрсатдики, Яман ҳукумат қўшинлари Англия протекторати Байхандан Яман территориясига кирган қуролли отрядларни Марб шаҳри районига тор-мер келтирдилар. Агентликнинг хабарига қараганда, Яман армиясининг қўмондонлиги у ерга яқин мадад қўлар юборган. Бу район қуролланган шайқалардан уч кун ичида батамом тозаланади, деб мўлжалланмоқда.



Сальвадор. Кофе ишлаб чиқариш мамлакатининг асосий бойлиги ҳисобланади. Кофе плантацияларида жинг-миглаб батраклар ва ёлланма ишчилар меҳнат қилмақда. Лекин уларнинг меҳнатлари учун жуда кам иш ҳақи тўланмоқда. Суратда: Сальвадор аёллари кофени тозаламоқдалар. Пресс Латин-ТАСС фотоси.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ

(СПРАВКА) Саудия Арабистони — Арабистон ярим оролида Яман, Уммон, Хадрамавт, Йордания, Йроқ ва Қувейт билан чегарадоғ араб давлатидир. Эрон кўрфазни ва Қизил денгиз билан туташган. Жанубдаги чегаралари аниқ белгиланган эмас. Майдони 1,6 миллион квадрат километрдан кўпроқ. Аҳолиси қариб 7 миллион киши, асосан араблар. Мамлакат Нажд ва Хжоз деб аталган икки қисмдан иборат, пойтахти — Арийд шаҳори. Катта шаҳарлари: Макка ва Мадина (мусулмонларнинг диний марказлари). Жадада (порт). Саудия Арабистони — иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган аграр мамлакат. Бу мамлакатда феодализм тузуми ва уруғ-қабилачилик тузумининг қолдиқлари сақланиб келмоқда. Қишлоқ хўжалигида чорвачилик асосий ўрнини олади. Мавжуд ерларнинг 15 проценти чамаси ишга яроқли. Мамлакат территориясининг катта қисми қўллардан иборат. Саудия Арабистони нефть запаслари (6,7 миллиард тонна) жиҳатидан жаҳонда энг олдинги ўринлардан бирини олиб турибди. 1961 йилда 68 миллион тонна нефть чиқарилди. Нефть саноатини асосан чет эл компаниялари монополия қилиб олган. Булар орасида Американинг «Арамко» компанияси («Арабиен-Америкэн ойл компания») биринчи ўринда туради. Америка компаниялари мамлакатда жуда катта нефть қузувлари кўрган. Америкаликлар Рас-Танурда катта нефть тоза-

